

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

ПРИМОВ ФАРХОД ШАРИФЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ҚОРИННИНГ ШОШИЛИНЧ ПАТОЛОГИЯЛАРИДА
ЭНДОВИЗУАЛ ХИРУРГИЯНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИКАВИЙ
ЖИХАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 - Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Примов Фарход Шарифжонович

Болаларда қориннинг шошилич патологияларида эндовизуал
хирургиянинг тактик ва техникавий жихатларини такомиллаштириш..... 3

Примов Фарход Шарифжонович

Совершенствование тактико-технических аспектов эндовизуальной
хирургии при ургентной абдоминальной патологии у детей..... 33

Primov Farkhod Sharifdzhonovich

Improving the tactical and technical aspects of endovisual surgery for
emergency abdominal pathology in children..... 63

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 70

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

ПРИМОВ ФАРХОД ШАРИФЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ҚОРИННИНГ ШОШИЛИНЧ ПАТОЛОГИЯЛАРИДА
ЭНДОВИЗУАЛ ХИРУРГИЯНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИКАВИЙ
ЖИХАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 - Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2.DSc/Tib723-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Соколов Юрий Юрьевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Салимов Шавкат Тешаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Оллабергенов Одилбек Тажиддинович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил “__” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (167-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил “__” _____ да тарқатилди.
(2023 йил “__” _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Шошилинч жарроҳлик, шу жумладан болалар жарроҳлиги ривожланишининг ҳозирги босқичида турли хил кам инвазив эндожарроҳлик технологияларни кенг жорий қилиниши ва максимал даражада қўлланилишига мутлақ устуворлик берилмоқда. Шундай бўлсада, айрим болалар хирургик патологияларида лапароскопик технологияларни қўллашнинг кўп йиллик ва муваффақиятли тажрибасига қарамай, жаҳон амалиётида “шу кунгача, турли ёшдаги болаларга шошилинч хирургик ва гинекологик ёрдам кўрсатишга ихтисослашган кўп тармоқли болалар шифохоналарида лапароскопик ёндашувларнинг ҳозирги ўрнини акс эттирувчи кенг қамровли тадқиқотлар мавжуд эмас”¹. Таъкидлаб ўтиш жоизки, муайян эндожарроҳлик услублари, “хусусан, лапароскопик аппендэктомия болалар жарроҳлиги амалиётида жуда кенг тарқалган бўлиб, ўзининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини исботлаган”². Аммо барча муаллифлар ҳам аппендицитнинг мураккаб шакллари билан оғриган болаларни даволашда лапароскопик аппендэктомияни мутлақ танлов усули сифатида тан олмайдилар, айниқса, ушбу патология фонида болаларда перитонитнинг ривожланиши, катталарга нисбатан 8 баробар кўпроқ кузатилишини ва деструктив аппендицитда эса, перитонитнинг тарқоқ формаси, маҳаллий формасига нисбатан 2,5 баробар кўпроқ ривожланишини ҳисобга олганда. Шу аснода, кўтарилган бир қатор масалаларнинг мунозарали табиати, қорин бўшлиғининг ўткир патологияси аниқланган болаларни даволашда сезиларли ижобий натижаларнинг йўқлиги, шошилинч касалликлар диагностикаси ва уларни даволашдаги янги имкониятларнинг пайдо бўлиши, оператив эндовидеохирургик аралашувларининг кўрсатмалари, усул ва тактикасини танлаш бўйича умумий консенсуснинг йўқлиги келгуси тадқиқотлар заруратини белгилайди.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда тиббий амалиётга беморга йўналтирилган, индивидуал ёндашувни ўрганишга бағишланган илмий изланишлар, болалар шошилинч жарроҳлигида лапароскопия ва роботлаштирилган аралашувларни таққослаш бўйича кўп марказли рандомизацияланган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, болалар учун мўлжалланган лапароскопик асбобларнинг янги ўлчамлари ишлаб чиқилмоқда ва бу болалар жарроҳларининг кам инвазив хирургия бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш билан биргаликда, мураккаб клиник ҳолатларда, шу жумладан, урологик ва ошқозон-ичак касалликларида ҳам лапароскопик ёндашувни кенгроқ қўлланилиши учун замин яратмоқда.

Маҳаллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари замонавий принципларни жорий этиш ва кам инвазив аралашувлар имкониятларини кенгайтириш орқали турли хил шошилинч жарроҳлик

¹Gerardo RG, Ponsky TA. Diagnostic Laparoscopy for Abdominal Trauma in Infants and Children: How We Do It. J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2021 Oct;31(10):1224-1226. doi: 10.1089/lap.2021.0455.

²Neogi S, Banerjee A, Panda SS, Ratan SK, Narang R. Laparoscopic versus open appendicectomy for complicated appendicitis in children: A systematic review and meta-analysis. J Pediatr Surg. 2022 Mar;57(3):394-405. doi: 10.1016/j.jpedsurg.2021.07.005.

патологиялари бўлган болаларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, болалар шошилинич патологияларида эндоскопик даволаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек жарроҳликнинг терапевтик ва диагностик тактикасини оптималлаштириш, ушбу муаммонинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли болалар жарроҳлиги ва умуман олганда тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Қорин бўшлиғи шошилинич касалликлари билан оғриган болаларга

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Steen EH. et al. The Pediatric Surgeon-Scientist: Succeeding in Today's Academic Environment. J Surg Res. 2019 Dec;244:502-508; Gerardo RG, Ponsky TA. Diagnostic Laparoscopy for Abdominal Trauma in Infants and Children: How We Do It. J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2021 Oct;31(10):1224-1226; Miyake H, Seo S, Pierro A. Laparoscopy or laparotomy for adhesive bowel obstruction in children: a systematic review and meta-analysis. Pediatr Surg Int. 2018 Feb;34(2):177-182; Faria EF. Editorial Comment: Laparoscopy versus robotic-assisted pyeloplasty in children: pre-liminary results of a pilot prospective ran-domized controlled trial. Int Braz J Urol. 2020 Jul-Aug;46(4):655-656; Larghi Laureiro Z et al. Minimally invasive hepatopancreatic and biliary surgery in children: a large centre experience and review of the literature. HPB (Oxford). 2022 Jun;24(6):857-867; Neogi S. et al. Laparoscopic versus open appendicectomy for complicated appendicitis in children: A systematic review and meta-analysis. J Pediatr Surg. 2022 Mar;57(3):394-405; Reinisch A. et al. Robotic operations in urgent general surgery: a systematic review. J Robot Surg. 2023 Apr;17(2):275-290. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда, жумладан: The Pediatric Surgical Community (PSC), the Association for Academic Surgery (AAS) and Society of University Surgeons (SUS), Pediatric Surgery Department, Gregorio Marañón Pediatric-Maternal Hospital, Madrid (Spain); Department of Paediatric Surgery, Leeds Teaching Hospitals NHS Trust, Leeds, (United Kingdom); Department of Paediatric Surgery, Nottingham University Hospitals NHS Trust, Nottingham, (United Kingdom); Pediatric Surgery Unit, V. Buzzi Children's Hospital and Department of Biomedical and Clinical Science L. Sacco, University of Milano, (Milan, Italy); Pediatric Surgery Unit, Children's Hospital, ARNAS Civico-Di Cristina-Benfratelli, (Palermo, Italy); Department of Pediatric Surgery, Hospital Saint-Jacques, Centre Hospitalier Regional Universitaire de Besançon, Besançon, (France); Pediatric Intensive Care Unit, Soroka University Medical Center, Beer Sheva, (Israel); Resident of Pediatric Surgery, Department of Surgery, Faculty of Medicine, Universidad Nacional de Colombia, (Colombia); Department of Pediatric Surgery, McGill University Health Centre, Montreal Children's Hospital, Montreal, Quebec, (Canada); Department of Paediatrics, University of Melbourne, Melbourne, (Australia); Oregon Health and Science University, Portland, OR, (USA); Division of Pediatric Surgery, Department of Surgery, The Johns Hopkins Hospital Bloomberg Children's Center, Baltimore, (USA); Department of Pediatric Surgery, Tong ji Hospital, Tong ji Medical College, Hua zhong University of Science and Technology, Wuhan, PR (China); Department of Pediatric Urology and Pediatric Surgery, Apollo Centre of Advanced Pediatrics, Indraprastha Apollo Hospitals, Sarita Vihar, New Delhi, (India); "Миллий болалар саломатлиги тиббий тадқиқот маркази" ФДБМ (Россия, Москва); "Болалар жарроҳлиги ва педиатрия илмий-тадқиқот институти" ФДБМ (Россия, Санкт-Петербург); "Шошилинич болалар жарроҳлиги ва травматологияси илмий-тадқиқот институти" ФДБМ (Россия, Москва); Болалар жарроҳлиги маркази (Россия, Оренбург); "Миллий болалар тиббиёт маркази" ДМ (Тошкент, Ўзбекистон); "Республика болалар кам инвазив ва эндоскопик жарроҳлик илмий-амалий маркази" ДМ (Тошкент, Ўзбекистон) ва "Республика перинатал маркази қошидаги Неонатал хирургия ўқув-даволаш-методик маркази" ДМ (Тошкент, Ўзбекистон).

Педиатрияда жарроҳлик хизматлари самарадорлигини ошириш, асоратлар ва ўлим частотасини камайтириш бўйича бутун дунё бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди, жумладан: минимал инвазив (лапароскопик) аппендэктомия АҚШ ва Европадаги болалар шифохоналарида (Department of Surgery, Children's Mercy Hospital, Kansas, USA) амалдаги стандарт эканлиги аниқланган; даволашнинг юқори технологияли усуллари самарадорлиги асослаб берилган, хусусан, битишмали ингичка ичак тутилишида ўтказилган лапароскопия, анъанавий лапаротомия билан солиштирганда, операциядан кейинги асоратларнинг камроқ сонини кўрсатган (болалар жарроҳлиги бўлими, Шидзуока болалар шифохонаси, 860 Урушияма, Шидзуока, Япония); болалар онкологик

жарроҳлигида минимал инвазив ёндашувларнинг нафақат кесмаларнинг кичиклиги каби афзалликлари туфайли, балки ишлаш майдонини яхшироқ кўриб туриш учун ва аниқ диссекция қилиш учун ҳам тобора кўпроқ қўлланилаётгани аниқланган (Department of Surgery, Princess Maxima Center, Heidelberglaan, Netherlands); лапароскопия очик аппендектомия билан солиштирганда яхшироқ умумий асорат профилига эга эканлиги ва мураккаб аппендицит билан оғриган болаларда асосий танланадиган операция бўлиши кераклиги аниқланган (болалар жарроҳлиги бўлими, MAMC & associated Lok Nayak Hospital, New Delhi, India); жигар-ошқозон ости беши йўллари ва билиар тизим касалликлари бўлган болаларда минимал инвазив жарроҳлик камроқ хирургик жароҳат, касалхонада қолишнинг қисқароқ муддати ва энг яхши эстетик натижалар билан хавфсиз амалга оширилиши мумкинлиги исботланган (абдоминал трансплантация ва гепатобилиопанкреатик жарроҳлик бўлими, Бамбино Джезу IRCCS болалар шифохонаси, Рим, Италия); лапароскопия билан биргаликда холедохоскопияни қўллаш йўли билан амалга оширилган минимал инвазив холецистолитотомия - болалар жарроҳлигида муваффақиятли қўлланилиши мумкин бўлган хавфсиз ва истиқболли усул эканлиги исботланган (болалар ва гепатобилиар жарроҳлик бўлимлари, Венчжоу тиббиёт университети, Хитой).

Ҳозирги кунда болалар қорин бўшлиғи шошилишч патологиясини даволашда эндоскопик аралашувлар натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар дунё миқёсида давом этмоқда. Педиатрия амалиётида минимал инвазив жарроҳлик усуллари қўллаш бўйича тажрибанинг ортиб бориши билан ушбу аралашувнинг узоқ муддатли прогнози ва натижаларини объектив баҳолаш зарурати пайдо бўлган, бу нашр этилган кўп марказли тадқиқотларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, турли хил клиник ҳолатларда даволаш ва ташхис қўйиш тактикаси масалаларига тўғри илмий ёндашувлар етишмаслиги ва уларнинг ноаниқлиги, жарроҳлик юқори даражада ривожланган мамлакатлар ва ривожланишнинг дастлабки босқичларида бўлган мамлакатлардаги ёндашувлар орасидаги тафовут, этник ва демографик минтақавий хусусиятлар ушбу муаммони янги нуқтаи назардан ўрганишни талаб қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларга жарроҳлик ёрдам кўрсатиш ва ташкил этиш муаммоси, айниқса, COVID-19 пандемияси даврида долзарб бўлган. Шу тариқа, O. Nashem ва ҳаммуал. (2021) томонидан ўтказилган кўп марказли тадқиқот маълумотларига кўра, пандемиядан энг кўп зарар кўрган мамлакатларда, COVID-19 касаллиги даволанмаган болалар жарроҳлик патологиясининг муқаррар кўпайишига олиб келадиган хизматлар кўрсатишга жиддий таъсир кўрсатгани қайд этилган⁵. Барча марказлар кейинга қолдириш мумкин ҳолатларда шошилишч бўлмаган операцияларни кечиктирган, аммо виртуал консултациялар 90% марказларда ўтказилган. Марказларнинг аксарияти (65%) онгли равишда, режалаштирилган

⁵Nasher O, Sutcliffe JR, Stewart RJ. Pediatric Surgery during the COVID-19 Pandemic: An International Survey of Current Practice. Eur J Pediatr Surg. 2021 Oct;31(5):407-413.

беморларни атайлаб операция қилмаган. Шошилишч патологияда минимал кириш билан қилинадиган операциялар марказларнинг 75 фоизида амалга оширилган, аммо яна 75 фоизида юқори ошқозон-ичак трактининг эндоскопияси камайтирилган ёки тўхтатилган. Оддий аппендицитни даволаш тактикаси марказларнинг 70 фоизида ўзгармаган, ичак инвагинацияси бўлган беморлар барча марказларда рентгенологик репозиция қилишга юборилган ва Гиршпрунг касаллиги билан оғриган беморларда якуний операция, стимуляция муваффақиятли бўлган ҳолларнинг 95 фоизида амалга оширилган. Болаларда қорин бўшлиғининг шошилишч касалликларини даволашнинг терапевтик тактикаси ва усуллари кенг муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу бўлиб қолмоқда. Эндовидеожарроҳлик аралашувларни ўтказиш учун ташкилий таъминотларни ишлаб чиқишга бағишланган тизимли тадқиқотлар мавжуд эмас, айниқса шошилишч жарроҳликда. Шу сабабли, информативлик ва минимал инвазивликнинг юқори даражасини ўзида бирлаштирган, эндовидеожарроҳлик диагностикаси ва даволашнинг янги усуллари топиш, шунингдек, ҳозирда мавжуд бўлган самарали усуллари такомиллаштириш зарурати яққол намоён⁶. Бугунги кунга келиб, минимал инвазив эндовизуал ва роболаштирилган жарроҳлик болалар амалиётида тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, аммо ушбу усулларнинг катталар учун жорий этилган вариантга нисбатан, ноёб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қорин ва кўкрак бўшлиқларининг кичик ўлчамлари, минимал инвазив усулларда жарроҳлик майдонини чеклайди ва жарроҳлик учун кўрсатмалари катта беморларникидан фарқ қилади⁷. Агар болаларда ўткир асоратланмаган қорин бўшлиғи жарроҳлик патологияларида, лапароскопик усулларга устуворлик берилса, бугунги кунда касалликнинг мураккаб шакллари, хусусан, перитонитни, аппендикуляр ёки бошқа генезисли қорин бўшлиғи хўппозларини даволаш, энг мунозарали масалалар бўлиб қолмоқда. Бир қатор болалар жарроҳларининг фикрига кўра, очиқ аралашувларга нисбатан, хусусан, аппендицитнинг асоратланган шаклларида лапароскопик технологияларни қўллаш афзалроқдир⁸.

Одатда, диагностик лапаротомия қорин бўшлиғини тешиб ўтувчи жароҳатларини даволаш учун қўлланилиб келган. Mahmud M.A. ва ҳаммуал. (2021) фикрича ҳозирги вақтда минимал инвазив жарроҳлик (диагностика ва даволаш мақсадларида) умумий ҳолати барқарор болаларда қорин бўшлиғини тешиб ўтувчи жароҳатларини даволашнинг тез ривожланаётган усул бўлиб, нолга тенг жароҳатларни ўтказиб юбориш даражасини ва зарарланган органларни аниқлашда 100% аниқликни таъминлайди⁹. Rentea R.M.,¹⁰ Lin X.

⁶ Дьяконова Е.Ю. Лапароскопические операции в неотложной детской абдоминальной хирургии. Доктор. диссер. Москва. 2018. 287 с.

⁷ Denning NL, Kallis MP, Prince JM. Pediatric Robotic Surgery. Surg Clin North Am. 2020 Apr;100(2):431-443. doi: 10.1016/j.suc.2019.12.004.

⁸ Wang X, Liu Y, Yan M, Gao M. Quality of guidelines for appendicitis in children: A systematic review. Asian J Surg. 2022 Nov;45(11):2514-2516. doi: 10.1016/j.asjsur.2022.05.131.

⁹ Mahmoud MA, Daboos MA, Bayoumi ASS. Role of Minimally Invasive Surgery in Management of Penetrating Abdominal Trauma in Children. Eur J Pediatr Surg. 2021 Aug;31(4):353-361. doi: 10.1055/s-0041-1726411.

¹⁰ Rentea RM, Peter SDS, Snyder CL. Pediatric appendicitis: state of the art review. Pediatr Surg Int. 2017 Mar;33(3):269-283. doi: 10.1007/s00383-016-3990-2.

ва ҳаммуал. ҳам айнан шу фикрда бўлиб, уларнинг айтишича, яқинда машҳур даволаниш усулига айланган кам инвазив холецистолитотомия, лапароскопик холецистектомияга нисбатан афзалликларга эга бўлиши мумкин, айниқса Хитой давлатида ¹¹. Уларнинг таъкидлашича, лапароскопия ёрдамида холедохоскопия қилиш билан биргаликда минимал инвазив холецистолитотомия ўтказиш усули, болалар жарроҳлигида муваффақиятли қўлланилиши мумкин бўлган хавфсиз ва истикболли усулдир. Болаларда ошқозон ости беши шикастланиши кам учрайди; шунинг учун уни даволаш бўйича илмий билимлар ҳам, клиник тажрибалар ҳам чекланган. Қорин бўшлиғининг ултратовуш текшируви ва ундан кейинги МСКТ - кўплаб болалар травма марказларида оғир қорин травмасидан кейин ташхис қўйиш учун асосдир. Бироқ, ошқозон ости беши шикастланиши ташхиси дастлабки кўриш пайтида тахминан учдан бирида ўтказиб юборилади ва ёш болаларда бу кўрсаткич янада юқори. Консерватив даво паст оғирликдаги жароҳатлар учун афзалроқ бўлса-да, оғирроқ жароҳатлар учун кам инвазив жарроҳлик аралашувлар кўрсатилиши мумкин. Stundner-Ladenhauf H.N. ва ҳаммуал. (2022) минимал инвазив ёндашув, ошқозон ости безининг шикастланишида қўллаш учун вариант сифатида қаралиши мумкинлиги таъкидлашган ва тўлиқ комплектация қилинган ва жиҳозланган юқори даражали болалар травма марказларини яратиш зарурлигини тарғиб қилишган ¹². Жаҳон кўрсатмаларининг доимий равишда янгиланиб туриши ва болалар жарроҳлиги бўйича халқаро конгрессларда янги резолюцияларнинг қабул қилиниши миллий протоколларни қўшишни талаб қилади, ичак тутилиши, ўткир гинекологик патология каби шошилич патологиялар учун эса тавсиялар мавжуд эмас ва уларни яратиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда¹³.

Шошилич қорин бўшлиғи жарроҳлик патологияси бўлган беморларни операциядан олдинги диагностикаси, операциядан олдинги тайёргарлик ва операциядан кейинги назорат алгоритмларига оид адабиётларни таҳлил қилиш натижасида фанлараро ёндашув жиҳатларининг йўқлиги аниқланган, бу шошилич жарроҳлик ёрдами кўрсатадиган болалар шифохоналарининг эндожарроҳлик усулларига тўлиқ ўтиш жараёнини мураккаблаштиради ва секинлаштиради. Эндохирургик аралашувларнинг, биринчи навбатда, болалар жарроҳлиги соҳасида оммалашганлиги ва амалга оширилиш шароитида, шубҳасиз, лапароскопик операциялар хавфсизлигини оширишда кенг қўлланли чора-тадбирларни (технологик, услубий ва ташкилий) киритиш билан замонавий ёндашувни қўллаш муҳимдир. Шу аснода, минимал инвазив аралашувларни техник жиҳатдан такомиллаштириш, узок муддатли прогноз

¹¹Lin X, Cai J, Wang J, Chen C, He G, Han Y. Minimally Invasive Cholecystolithotomy to Treat Cholecystolithiasis in Children: A Single-center Experience With 23 Cases. Surg Laparosc Endosc Percutan Tech. 2017 Oct;27(5):e108-e110. doi: 10.1097/SLE.0000000000000429.

¹²Stundner-Ladenhauf HN, Bauer L, Heil C, Holzinger J, Stundner O, Metzger R. Minimally Invasive Approaches for Traumatic Rupture of the Pancreas in Children-A Case Series. Children (Basel). 2022 Jul 22;9(8):1102.

¹³Oodit R, Biccari BM, et al. Guidelines for Perioperative Care in Elective Abdominal and Pelvic Surgery at Primary and Secondary Hospitals in Low-Middle-Income Countries (LMIC's): Enhanced Recovery After Surgery (ERAS) Society Recommendation. World J Surg. 2022 Aug;46(8):1826-1843. doi: 10.1007/s00268-022-06587-w.

учун энг оқилона аралашувни танлаш билан боғлиқ тактик жиҳатлар бутун болалар шошилинич жарроҳлигининг энг устувор йўналиши ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси мувофиқ ПЗ-20170929793-сон “Болаларда қорин бўшлиғининг ёпиқ шикастланишларида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда даволаш-диагностика жараёнини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 й).

Тадқиқотнинг мақсади эндовидеожарроҳлик аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали болаларда қорин бўшлиғи шошилинич патологиясини хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказига ётқизилган болаларда шошилинич абдоминал патология структурасини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон Республикасида болалар қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланишларини хирургик даволаш самарадорлигининг жамланма таҳлилинини ўтказиш;

қорин бўшлиғи ёпиқ шикастланиши аниқланган болаларга хирургик ёрдам кўрсатиш алгоритмининг терапевтик ва ташкилий босқичларини такомиллаштириш;

болаларда ўткир аппендицитнинг асоратланган шаклларида лапароскопик операцияларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш;

болаларда ингичка ичак патологияси билан боғлиқ ҳолатларда (Меккел дивертикули, ингичка ичак инвагинацияси) кам инвазив аралашувлар ўтказиш имкониятларини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш;

болалик ёшида учрайдиган гинекологик патологияда лапароскопик операциялар имкониятларини аниқлаш;

болаларда қорин бўшлиғи шошилинич патологиясида эндовидеохирургик операцияларнинг афзалликларини очиқ аралашувлар билан қиёсий жиҳатдан аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шошилинич абдоминал патологияси бўлган 1082 нафар болалар олинган. Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) болалар шошилинич жарроҳлиги бўлимининг 2006 йилдан 2021 йилгача бўлган давр оралиғида замонавий эндовизуал жарроҳлик технологияларини босқичма-босқич жорий этишдаги тажрибаси таҳлил қилиб чиқилган.

Тадқиқотнинг предмети минимал инвазив аралашувларни тадбиқ этиш ва такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда болаларда шошилинич қорин бўшлиғи патологиясини хирургик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, қоннинг кислота-асос ҳолати),

инструментал (УЗИ, МСКТ, МРТ), махсус (хирургик даволаш самарадорлиги ва прогнозини баҳолашнинг интеграл шкалалари) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда ингичка ичак инвагинацияларида эндовидеохирургик аралашув усули такомиллаштирилди, бу жарроҳлик аралашувини минималлаштириш, операциядан кейинги даврда бемор ҳолатининг яхши кечиши частотасини ва операциядан кейинги узоқ муддатли даврда унинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

болалардаги комбинацияланган травма фонида қорин бўшлиғининг ёпиқ жароҳатларида минимал инвазив аралашувларни ўтказишдаги кўрсатмалар, мақсадга мувофиқлик ва чекловларни кўп факторли кўриб чиқиш зарурати аниқланган;

қорин бўшлиғининг ёпиқ жароҳатларида минимал инвазив жарроҳликни қўллаш натижаларига таъсир қилувчи хавф омиллари аниқланиб, шошилишч тиббий ёрдам сифатини баҳолаш ва комбинацияланган травма билан оғриган болаларнинг аҳоли оғирлиги бўйича тақсимланишини дифференциацияси ўтказилган, шу жумладан педиатрия хизмати фаолиятининг йўналтирилганлиги ва йўлга қўйилганлиги билан дисциплиналараро ёндашиш нуқтаи назаридан;

ўткир асоратланган аппендицитда ижобий лапароскопик натижаларни башорат қилиш учун операциядан кейинги даврда конверсиялар ва асоратлар учун асосий патогенетик хавф омилларини аниқлаш билан бирга индивидуал ёндашув зарурлиги аниқланган;

болаларда аппендицит асоратларининг клиник кечиши ва оғирлигига қараб, лапароскопик аппендэктомия натижаларига таъсир қилувчи асосий клиник ва патогенетик периоператив омиллар аниқланган;

қорин бўшлиғининг шошилишч патологияси бўлган болаларда конверсиялар ва улар билан боғлиқ операциядан кейинги асоратлар учун асосий хавф омиллари аниқланди, уларнинг ҳисобини юритиш, жарроҳлик даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш учун зарурлиги белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда қорин бўшлиғининг ёпиқ шикастланишларида консерватив даволаш ва очик хирургик аралашувлар билан таққосланганда, қиёсий жиҳатдан хавф ҳамда қониқарсиз натижалар кўрсаткичини сезиларли даражада камайтиришга имкон берувчи эндовидеохирургик аралашувларнинг имкониятлари аниқланган ва самарадорлиги баҳоланган;

лапароскопик аппендэктомия натижасига таъсир қилувчи клиник ва патогенетик периоператив омилларни ҳисобга олиш касалликнинг морфологик шаклини ва перитонитнинг табиатини аниқлашнинг диагностик босқичини сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бериши исботланган;

болаларда ўткир аппендицитнинг асоратланган шаклларида аппендикуляр абсцесс ва перитонитларда кам инвазив амалиётлар имкониятларини максимал даражада оширишга ва шу билан “беҳуда”

лапаротомиялар улушини қисқартиришга имкон берган лапароскопик аралашувларнинг имкониятлари аниқланган ва самарадорлиги баҳоланган;

қўшма шикастланиш фонида қорин бўшлиғининг ёпиқ жароҳатланиши кузатилган болаларни муваффақиятли даволаш ва эндовидеохирургик аралашувлардан самарали фойдаланиш учун ихтисосликлараро ҳамда мультимодал ёндашувлар зарурий шарт эканлиги исботланган;

ўткир қорин патологияси бўлган болаларда хирургик даволаш тактикасини танлашда мултидисциплинар ёндашув ҳамда ишлаб чиқилган алгоритмлардан фойдаланиш эндохирургия технологияларнинг имкониятлари ва самарадорлигини оширишга, ташрихдан кейинги яқин ва узоқ муддатли даврда қониқарсиз натижалар частотасини камайтиришга имкон бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳволини баҳолаш учун объектив таснифлаш мезонларидан, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, статистик таҳлилнинг услубий ёндашувлари ва статистик таҳлиллар тўпламидан тўғри фойдаланилганлиги, диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва шошилиш қорин патологияси бўлган болаларни ташхислаш ва минимал инвазив даволашга ёндашувлар замонавий илмий ва амалий тушунчаларга кўра амалга оширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндовидеохирургик технологияларнинг имкониятлари ва самарадорлигини оширишга, болалар амалиётида кам инвазив амалиётлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги билимларни кенгайтиришга, болалар хирургиясида ушбу тадбирларнинг мавжуд имкониятларини ривожлантириш ва кенгайтиришга имкон берувчи болаларда ўткир қорин патологияси кечилишининг патогномоник белгиларини аниқлаштириш ва батафсил баён этишга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатлар оптималлаштирилганлиги ва болаларда шошилиш қорин патологиясидаги минимал инвазив аралашувларнинг услубий ёндашувлари стандартлаштирилганлиги, қўшма шикастланиш фонида қориннинг ёпиқ жароҳатлари учун юқори технологияли эндовидеохирургик аралашувлар жорий этилганлиги ҳамда ўткир қорин патологиясининг асоратланган шаклларида ушбу аралашувлар нафақат ушбу ҳолатлардаги беморларни қутқаришга, балки узоқ муддатли прогнозда даволашнинг самарали йўлини тақдим этишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт кенгашининг 2023 йил 31 августдаги 7-сон хулосасига кўра (Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш маркази томонидан илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 30.08.2023й., 01/08-1297 сонли хат юборилган):

ишлаб чиқилган лапароскопик дезинвагинация усули ирригоскопия ва ичак ичи босимининг 90 мм сим. уст.гача кўтарилиши билан лапароскопияни биргаликда қўллашни ўз ичига олган бўлиб, дезинвагинация жараёни ҳамда ичак деворлари ҳолатини визуал назорат қилиш ва соддалаштириш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: болаларда ингичка ичак инвагинациясида таклиф этилган эндовидеохирургик амалиёт усули Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2023 йил 31 августдаги 96-ич сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: болаларда ичак инвагинациясини лапароскопик хирургик даволашнинг оптималлаштирилган техникаси операция давомийлигининг қисқариши, интраоперацион қон йўқотишнинг камайиши билан бирга госпитализация давомийлигини $11,7 \pm 1,4$ суткадан $5,8 \pm 1,0$ суткагача ва асоратлар сонини 17,8% дан 1,1% гача қисқартириш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган жарроҳлик усулининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида 1 нафар бемор учун шифохонада ётиш давомийлигининг деярли 6 кунга қисқариши ҳисобига 928 837 сўм, боғлов сонининг қисқариши ҳисобига эса иқтисодий самарадорлик 45 600 сўмни ташкил этди. Асоратларни даволаш учун сарф харажатлар уларни даволаш учун сарф харажатларнинг камайиши ҳисобига 1 нафар бемор учун ўртача 973 000 сўмга камайди. Йилига 26 та шундай операция ўтказилишини инобатга олган ҳолда янги усулнинг татбиқ этилиши натижасида асоратлар сони 17,8% дан 1,1% гача камайган, бу 5 нафар беморни ташкил этади. Шунга кўра, асоратларнинг камайиши ҳисобига 4 868 385 сўм (1 нафар беморга 928 837 сўм), 26 нафар беморнинг шифохонада ётиш давомийлигининг қисқариши ҳисобига эса умумий иқтисодий самарадорлик 24 149 762 сўмни ташкил этади. Хулоса: янги жарроҳлик амалиётининг татбиқ этилиши бир нафар бемор учун 974 437 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берди, барча омилларни инобатга олган ҳолда бюджет маблағларининг йиллик иқтисодий самарадорлик 30 203 747 сўмни ташкил этди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Болаларда қориннинг шошилиш патологияларида эндовизуал хирургиянинг тактик ва техникавий жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори томонидан 30.08.2023 йилдаги 01/0/-1297-сонли хат билан юборилган;

фанлараро ва мультимодал ёндашувлар кўшма жароҳатлар фониди қориннинг ёпиқ жароҳатлари бўлган болаларни муваффақиятли даволаш ва эндовидеохирургик амалиётдан самарали фойдаланиш учун зарур шароит ҳисобланади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: болаларда кўшма жароҳатлар фониди қориннинг ёпиқ жароҳатларида каминвазив амалиётларни ўтказишга кўрсатмаларнинг оптималлаштирилиши Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2023 йил 31 августдаги 96-ич сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: болалардаги кўшма жароҳатлар фониди

қориннинг ёпиқ жароҳатларида каминвазив амалиётларни ўтказишга кўрсатмаларни оптималлаштириш 50 % ҳолларда асоссиз лапаротомияларни олдини олиш; юзага келиши мумкин бўлган асоратларни минималлаштириш имконини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: каминвазив амалиётлар улушининг ортиши ҳисобига 1 нафар бемор учун 148 000 сўм (лапаротомик операция нархи – 539 000 сўм, лапароскопик операция – 391 000 сўм) иқтисод қилинди. Болаларда қўшма жароҳатлар фонидаги қориннинг ёпиқ жароҳатларида 22 та лапаротомик операциялар амалга оширилади. Шунга кўра уларнинг 50 % да каминвазив амалиёт ўтказиш мумкин бўлади. Бундан йиллик иқтисодий самарадорлик – 1 628 000 сўмни (11 нафар бемор учун) ташкил этади. Хулоса: каминвазив амалиётларга кўрсатмаларни танлаш учун оптималлаштирилган мезонларнинг жорий этилиши бир нафар бемор учун 148 000 сўм ва мос равишда йилига 1 628 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Болаларда қориннинг шошилиш патологияларида эндовизуал хирургиянинг тактик ва техникавий жihatларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори томонидан 30.08.2023 йилдаги 01/0/-1297-сонли хат билан юборилган;

қориннинг ёпиқ жароҳатлари бўлган болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хирургик ёрдамнинг такомиллаштирилиши ҳар бир босқичда (шифоҳонагача, реанимацион, ихтисослаштирилган клиник ва реабилитацион) доминант зарарланишга боғлиқ ҳолда рационал даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: қориннинг ёпиқ жароҳатлари бўлган болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хирургик ёрдамнинг такомиллаштирилиши Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2023 йил 31 августдаги 96-ич сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: асоратлар сони 12,5 % га (25,8 % дан 13,3 % гача) қисқарган; ўлим сони 10 % га камайган; шифоҳонада қолиш давомийлиги 3 кунга қисқарган; ушбу операциялардан кейинги ҳаёт сифати яхшиланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун шифоҳонада қолиш давомийлиги 3 кунга қисқаргани ҳисобига 472 209 сўм (даволашнинг 1 суткаси – 157 430 сўм), шунингдек, боғловлар сонининг камайганлиги учун 22 800 сўм (1 та боғлов – 7 600 сўм) иқтисод қилинди. Бир йилда жароҳатларда жами 57 та, жумладан, 35 та лапароскопик ва 22 та лапаротомик операциялар ўтказилади. Асоратлар улушининг 12,5 % га камайиши асоратли кечиш бўлган беморлар сонини 15 дан 8 нафаргача камайтириш имконини беради. Бундан келиб чиққан ҳолда, шифоҳонада қолиш давомийлигининг қисқариши ҳисобига асоратларни даволаш учун 370 554 сўм (1 кунлик даволаш – 123 518 сўм), 7 нафар беморга бир йилга 864 626 сўм иқтисод қилинади. Хулоса: қориннинг ёпиқ жароҳатлари бўлган болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хирургик ёрдамнинг жорий этилиши бир

нафар бемор учун 495 090 сўм тежаш имконини берди, бюджет маблағларининг йиллик иқтисодий самарадорлик 28 220 130 сўм (57 нафар бемор учун) ва асоратли кечишининг қисқариши фонида 864 626 сўмни ташкил этди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Болаларда қориннинг шошилич патологияларида эндовизуал хирургиянинг тактик ва техникавий жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори томонидан 30.08.2023 йилдаги 01/0/-1297-сонли хат билан юборилган;

яллиғланиш жараёнининг тарқалганлигини баҳолаш, касалликнинг морфологик шакли верификациясида лапароскопик технологиялар объектив ҳисобланади ва катарал ҳамда флегмоноз аппендицитнинг 100 % ҳолатида, касалликнинг гангреноз-перфоратив шаклининг 87,3 % ида самарали бўлади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумот Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2023 йил 31 августдаги 96-ич сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жарроҳлик амалиёти давомийлиги ($62,2 \pm 7,3$ дақ. лапаротомияга қарши $52,4 \pm 6,4$ дақ.) ҳамда беморларнинг шифохонада қолиш муддати ($7,2 \pm 1,2$ кун лапаротомия гуруҳига қарши $4,3 \pm 1,2$ кун) қисқарган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бир нафар бемор учун шифохонада қолиш давомийлиги 7,2 кундан 4,3 кунгача (3 кун) қисқаргани ҳисобига иқтисодий самарадорлик 363 600 сўмни (1 сутка – 121 200 сўм), шунингдек, боғловлар сонининг камайиши натижасида 22 800 сўмни (1 та боғлам – 7 600 сўм) ташкил этади. Бир йилда 270 та лапароскопик операциялар ўтказилиб, шифохонада қолиш давомийлиги қисқариши ҳисобига умумий иқтисодий самарадорлик 98 172 000 сўмни ташкил этади. Хулоса: болалардаги ўткир аппендицитда қўлланилган лапароскопик технологиялар бир бемор учун бюджет маблағларидан 386 400 сўм тежаш имконини беради. Йиллик иқтисодий самарадорлик эса 98 172 000 сўмни (270 нафар бемор учун) ташкил этади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Болаларда қориннинг шошилич патологияларида эндовизуал хирургиянинг тактик ва техникавий жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори томонидан 30.08.2023 йилдаги 01/0/-1297-сонли хат билан юборилган;

болаларда асоратланган ўткир аппендицитни даволашда лапароскопияни қўллаш кўрсаткичининг ортиши ва эндовизуал хирургик фаолликнинг жорий этилиши 37,9 % дан 76,4 % гача асосий периоператив омилларни инобатга олган ҳолда оптимал усулни танлашга тактик ёндашувлар структурасини ўзгартириш имконини берди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ўткир аппендицитли болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хирургик ёрдамнинг такомиллаштирилиши Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2023 йил 31 августдаги 96-ич сонли буйруғи билан

амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: конверсион аппендэктомия кўрсаткичлари 12 % дан 7,5 % гача камайган; операциядан кейинги ўзига хос асоратлари сони 8,6 % дан 3,3 % гача қисқарган; ижобий натижалар улуши 60,1 % дан 85,1 % гача ошган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: каминвазив амалиётлар улушининг ортиши ҳисобига 1 нафар бемор учун иқтисодий самарадорлик 150 000 сўмни (лапаротомик операциянинг нархи – 540 000 сўм, лапароскопик операция – 390 000 сўм) ташкил этди. Бир йилда болалардаги аппендицитда 121 та лапаротомик операция ўтказилади. Агар 76,5 % беморда (121 нафар бемордан 90 нафарида) лапароскопия амалиёти ўтказилса, йиллик иқтисодий самарадорлик 13 500 000 сўмни ташкил этади. асоратлар улуши 12% дан 7,5 % гача камайдигани ҳисобига бир нафар бемор учун 549 363 сўм тежаллади (асоратларни даволашнинг 1 куни – 183 121 сўм). йил давомида асоратли кечиш 17 нафаргача камайдигани (391 та операциядан) ва йиллик самарадорлик 9 339 171 сўмни ташкил этади. Хулоса: ўткир аппендицитнинг асоратланган шакли бўлган болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хирургик ёрдамнинг жорий этилиши бир нафар бемор учун бюджет маблағларидан 150 000 сўм тежалишига эришилди, йиллик иқтисодий самарадорлик эса 13 500 000 сўм (90 нафар бемор учун) ва 9 339 171 сўмни ташкил этади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Болаларда қориннинг шошилиш патологияларида эндовизуал хирургиянинг тактик ва техникавий жиҳатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори томонидан 30.08.2023 йилдаги 01/0/-1297-сонли хат билан юборилган;

ўткир абдоминал патологияли болаларда хирургик даволаш усулини танлашда ишлаб чиқилган алгоритмлар ва мультидисциплинар ёндашувдан фойдаланиш эндохирургия технологиялар самарадорлиги ва имкониятларини ошириш, операциядан кейинги яқин ва кеч даврда қониқарсиз натижалар сонини камайтириш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ўткир абдоминал патологияли болаларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган хирургик ёрдамнинг такомиллаштирилиши Тиббиёт ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2023 йил 31 августдаги 96-ич сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: конверсион амалиётлар кўрсаткичи камайган; операциядан кейинги ўзига хос асоратлар сони камайган; шифохонада даволаниш давомийлиги қисқарган; ижобий натижалар улуши ортган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: каминвазив амалиётлар улушининг ортганлиги ҳисобига бир нафар бемор учун 150 000 сўм (лапаротомик операция – 540 000 сўм, лапароскопик операция – 390 000 сўм) тежалди. Бир йилда болалардаги ўткир абдоминал патологияда 358 та лапаротомик операция ўтказилади. Агар уларнинг 50 % да (358 нафар бемордан 179 нафарида) лапароскопик операция ўтказилса, йиллик иқтисодий самарадорлик 26 850 000 сўмни ташкил этади. Хулоса: ўткир абдоминал

патологияли болаларга кўрсатиладиган хирургик ёрдамнинг татбиқ этилиши натижасида бир нафар бемор учун бюджет маблағларидан 150 000 сўм тежалди, бюджет маблағларининг йиллик иқтисодий самарадорлиги эса 26 850 000 сўмни ташкил этди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Болаларда қориннинг шошилич патологияларида эндовизуал хирургиянинг тактик ва техникавий жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори томонидан 30.08.2023 йилдаги 01/0/-1297-сонли хат билан юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та журнал мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланди, мақсадлар, вазифалар шакллантирилди, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

